Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 31 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (13.131)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 март куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлаб, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорлик бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлиб, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ва доимий алоқаларнинг узвий қисми эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда Германияни Европадаги йирик интеллектуал, иқтисодий, техник ва технологик салоҳиятга эга, халқаро майдонда нуфузли, глобал ва минтақавий масалаларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етакчи давлатлардан бири сифатида билади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда барқарор ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги кунда 130 дан ортиқ ҳужжатдан иборат мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва барча даражадаги муносабатлар учун ишончли механизм мавжуд.

Мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги 15 йилда Германиянинг 784 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялари ва кредитлари жалб этилган. Ўзбекистонда Германия Федератив Республикаси инвестицияси иштирокида 113 корхона, шундан 27 таси тўла Германия капитали асосида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда дунёга машҳур немис компаниялари Ўзбекистон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. "MAN" концерни билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида замонавий завод барпо этилган. Корхонада турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу автомобилларга хорижда ҳам талаб юқори. Германия саноатининг яна бир етакчиси – "CLAAS" концерни билан ташкил этилган қўшма корхонада замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йили ташкил этилган Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгашининг иккита мажлиси ўтгани савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради. Ушбу мажлислар доирасида Германиядан 2,85 миллиард долларлик технологиялар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланган.

Учрашувда Ўзбекистон – Германия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар, жумладан, маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантириш, таълимга оид қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ГФР ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Германия раҳбарияти ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Замонавий дастгоҳларда бир маромда кийим тикаётган қизларни кўриб ҳавасингиз келади. Хориж сармоясига асосланган "Fresh Style" корхонаси Мирзо Улуғбек туманида 2013 йилда ўз фаолиятини йўлга қўйган бўлиб, дастлаб 600 киши билан иш бошлаган корхонада бугунги кунда мингдан ортиқ ишчи-хизматчи фаолият олиб бораяпти. Асосий ишлар кесим, тикув ва қадоқлаш цехларида бажарилади.



Корхона раҳбари ўринбосари Рустам Намировнинг маълумот беришича, бу ердаги технологиялар Хитой, Австрия, Германия ҳамда Япониядан келтирилган.

Давлатимиз томонидан тикувчилик корхоналарига бир қатор имтиёзлар берилган бўлиб бугунги кунда тежалган маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, экспорт кўрсаткичларини оширишга сарфланмоқда. Корхона маҳсулотлари бугунги кунда Россия, МДҲ ҳамда бир қатор Европа давлатларига жўнатилаяпти. Биргина 2015 йили корхона ишчилари томонидан 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, корхонада ишчилар учун бир қатор қулайликлар яратилган. Ишга келиб-кетиш учун махсус автобуслар хизматда. 3 маҳал иссиқ овқат берилади, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Яқинда яна 26 та "Isuzi" автобуслари харид қилинди.

— Цехимизда 170 нафар ишчи меҳнат қилади, — дейди қадоқлаш цехи иш бошқарувчиси Гулнора Эргашева, — ўзим 12 йиллик иш тажрибасига эгаман. Бу ерда асосан касб-ҳунар коллежларини битириб келган ёшлар ишламоқда, улар учун зарур шароитлар яратиб берилган, тикилган маҳсулотни қадоқлаб, ўраб экспорт учун тайёрлаб берамиз.

— Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида ҳам ўз филиалимизни очаяпмиз, — дейди суҳбатдошимиз Р. Намиров, — Банкдан олинган 3 млрд. сўмлик кредит эвазига янги технология олиб келдик, жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етди, корхона ишга тушиши билан 800 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Мухтасар қилиб айтганда, "Fresh Style" корхонаси йилдан-йилга ишлаб чиқаришни ривожлантириб, экспорт салоҳиятини ошириб боришга интилиб, яхши натижаларга эришмоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ
И.Исмоилов олган суратлар

ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 30 март куни Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг турли йўналишлари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан учрашди. Университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди.

Франк-Вальтер Штайнмайер оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонга ташрифи доирасидаги музокаралар самарали ўтганини таъкидлади.

Шу куни Германия Бундестаги вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўзга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун байрам мурожаатини маросим меҳмонлари ҳамда делегациялар эътиборига ҳавола этди.

У дўстлик, бирдамлик ва атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдек эзгу фазилатлар рамзи бўлган ушбу айёмнинг ўрни алоҳида эканлиги ҳамда бундай қадриятлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тамойил ва мақсадларига ҳамоҳанглигини таъкидлади.

— Наврўз шодиёналари сарҳад билмайди, миллат танламайди, у кишиларни эзгуликка йўғрилган ришталар билан бирлаштириб, турли тафовутларни бартараф этади, — деди ташкилот раҳбари.

Ушбу байрамни анъанавий равишда нишонлайдиган БМТга аъзо давлатлар вакиллари ҳам тадбирда сўзга чиқишди.

Баҳор, уйғониш ва табиат янгиланишининг рамзи ҳисобланадиган мазкур айёмга мамлакатимизда катта эътибор қаратилиши Ўзбекистон вакиллари томонидан қайд этилди. Унинг энг кўҳна, чуқур мазмун-моҳиятга эга бўлган ва том маънодаги умумхалқ байрами эканлиги, республикамизда қадимги ҳамда шонли тарихга, бой маданият ва аждодлар меросига ғамхўрлик билан муносабат мавжудлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Наврўз байрами кунлари мамлакатимиз аҳолиси ўз хурсандчилигини оила аъзолари, дўстлари билан баҳам кўриши, анъанавий баҳор таомлари ила меҳмон қилиши, бир-бирига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахту иқбол ва фаровонлик тилаши, кексалар ҳолидан хабардор бўлиб туриши билдирилди.

Айтиб ўтилганидек, соғлом ҳамда баркамол авлод тарбияси, оила, оналик ва болалик ҳимояси мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Тадбирда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилингани алоҳида таъкидланди.

Расмий маросим меҳмонлари ва БМТга аъзо давлатлар миссияларининг вакиллари эътиборига ўзбек халқининг бой маданий анъаналари ҳамда юртимизда Наврўз байрамининг нишонланиши ҳақида ҳикоя қилинувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

"Жаҳон" АА,
Нью-Йорк

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирокида тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан "Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик – жамият тараққиётининг муҳим омили" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

● **Бухоро вилояти божхона бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан ҳамкорликда янги таҳрирдаги Божхона кодекси мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.**

● **Навоий вилояти Хатирчи тумани марказий шифохонасининг болалар бўлими янги бинода иш бошлади. 55 ўринли болалар бўлими она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда кенг имкониятлар яратмоқда. Зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлимда болалардаги турли хасталикларни эрта аниқлаш ва даволаш учун барча имкониятлар мавжуд.**

● **Андижонда "Соғлом оила" оилавий спорт мусобақаларининг минтақавий финал босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидан 6 оилавий жамоа чаққонлик ва мерганлик эстафетаси, моҳир ҳужумчи, арқон тортиш ва бир жамоа эстафетаси сингари спортнинг 8 тури бўйича ўз маҳорат ва жисмоний тайёргарлигини намойиш этди.**

ЖАҲОНДА

● **Мексика соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология бош бошқармаси томонидан тарқатилган хабарга кўра, ушбу мамлакатда Зика безгагига чалинганлар сони 160 нафарга етган. Бу ҳолат, айниқса, мамлакатнинг жанубий минтақаларида кўпроқ кузатилмоқда. Ҳозирда ушбу хавфли касаллик тарқалишининг олдини олиш юзасидан Мексикада кескин чоратадбирлар кўрилмоқда.**

● **Тайваннинг Acer компанияси иккита бизнес гуруҳга ажралиш ниятида эканини билдирди. Чунончи, Core Bucines номли бир компания компьютер ишлаб чиқаришни давом эттирса, иккинчиси мобиль йўналишни ўз ичига олади. Core Bucines ноутбуклар, компьютерлар, планшетларни ишлаб чиқариш, тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш, корпоратив бизнесни режалаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, бу йўналишга Digital Display ҳам кириб, у проекторлар ва мониторлар ишлаб чиқаради.**

● **Испаниянинг "Барселона" футбол клуби ҳужумчиси Лионель Месси жорий йилнинг ёзида Каталония пойтахтида ўзининг ресторанини очмоқчи. Минг квадрат метр жойни ўз ичига оладиган ушбу ресторан "Bellavista del Jardin del Norte" деб номланади ва унда Барселонанинг ҳаёти ўз аксини топади. Жумладан, мажмуа ўртасидан қўнғироқли ибодатхонадан тортиб, озиқ-овқат дўкони, кинотеатр, ўйин автоматлари, шунингдек, "Барселона" жамоаси қўлга киритган барча совринларнинг аниқ нусхалари ўрин олади.**

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ДОИМИЙ ҲАМКОРИ

Миллий матбуот марказида "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини оширишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Кейинги йилларда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар асосида зарур шарт-шароитлар, енгилликлар, кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратилгани, уларнинг моддий ва кредит ресурслардан фойдаланиши кенгайтирилгани таъкидланди.

– Яратилган қулайликлар йилдан-йилга кўпайиб, тадбиркорлар вақтини ва маблағини тежашга хизмат қилаётир, – дейди ЎзА мухбирига банкнинг кредитлаш департаменти директори Жамшид Йўлдошев. – Мисол учун, ҳозир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати 3 кундан ошмайди. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банклар хизмати учун тўлов ундириш амалиёти бекор қилинди. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириши, шунингдек, тижорат банкларига кредит аризаларини тақдим этиши электрон тизимга босқичма-босқич ўтказилиши таъминланди.

Ўтган йили "Асака" банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун 1 триллион 168 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йилда 1 триллион 520 миллиард сўм ажратиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, микрокредитлар миқдори ҳам ортмоқда. Кредитларнинг 50 фоизидан ортиғи саноат соҳасига тўғри келади. Тадбиркор аёлларга 130 миллиард сўм кредит ажратиш белгиланган.

2015 йилда "Асака" банки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 11,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратди. Бу йил битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида 15 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

С.ШОЕВА



Ислом Исмоилов олган суратда.

"Тадбиркорликнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари – давлат ҳимоясида". Миробод туманида тадбиркорлик субъектлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу мавзуга бағишланди. Тадбирга туманда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ҳокимлик, савдо-саноат палатаси, прокуратура, солиқ, банк вакиллари таклиф этилди.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Йиғилишда дастлаб сўз олган Миробод тумани прокурори Тоҳир Ҳусанов Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни мазмунмоҳияти ҳақида сўз юритди.

Айтиш жоизки, мазкур қонуннинг мақсади хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, шунингдек, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини оширишга қаратилган. Хусусан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, пеня ҳамда бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий қилинди.

Миробод туманида бугунги кунда 3,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти йилдан йилга ортмоқда. Туман ҳокими Шарофиддин Қодиров, Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдулазиз Абдуназаровлар ўз чиқишларида Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси йўлида амалга оширилаётган ишлари кўламига эътиборни қаратишди. Ушбу Фармон қабул қилингандан кейин туманда бир қатор учрашувлар ташкил этилиб, тарғибот ишлар жонлантирилди. Юқоридаги Фармон хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги, жумладан хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ҳамда рағбатлар яратиш билан бир қаторда, соҳа тараққиётида янги босқични бошлаб бергани билан аҳамиятли экани тадбирда алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикаси МЖтК нинг 241-10-моддасига кўра, тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика, молия солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек, ўзга ҳужжатларни, шу жумладан, банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб олиш, худди шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олиш – мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, — дейди Миробод тумани прокурори ўринбосари Алишер Каримов. — Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорида жарима солинади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин такроран содир этилса, шу мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Шунингдек, тадбирда 2015 йил 15 майдаги Президент Фармонига асосан Миробод туманида ташкил этилган "ягона дарча" маркази томонидан тадбиркорлик субъектларига давлат хизмати кўрсатиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тижорат банклари томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича мутасадди идора вакилларининг ҳисоботлари тингланди.

Учрашув ташкилотчилари тадбиркорлик субъектлари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Қ.ЗОКИРОВ

ПЛАСТИК КАРТОЧКА ҲИСОБВАРАҒИДАГИ ФОИЗ ОШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мижозларнинг банк хизматларига қизиқишини ошириш мақсадида жорий йилнинг 11 мартидан жисмоний шахсларнинг пластик карточка ҳисобварақлари бўйича янги фоиз ставкалари белгилади.

Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур янгиликнинг афзаллиги, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги вазифалар ва эришилаётган натижалар ҳақида маълумот берилди.

Унда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасида тижорат банклари улкан ютуқларга эришаётгани таъкидланди. 2015 йилда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган "Бизнес юритиш" рейтингининг "Кичик бизнес субъектларига кредит бериш" деб номланган кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилгани бунинг яна бир далилидир.

Миллий банк инвестиция фаолияти ва экспортни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш турган маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, шу йил 1 март ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 286 миллиард 670 миллион сўм кредит ажратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан банк ўз балансига қабул қилган 68 корхона мулкидан ҳозирга қадар 63 корхонанинг мол-мулки янги мулкдорларга сотилган. 5 корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланган ва салоҳиятли инвесторларга сотиш чоралари кўрилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида банк миллий валютада сақлаш муддати 7 ойдан 1 йилгача бўлган "Соғлом авлод" ва "Меҳрибон она" номли янги муддатли омонатларни жорий этди.

Тадбирда банк молия институтлари орасида чакана операциялар бозорида етакчи ўрин эгаллаб келаётгани, аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишни кўпайтириш чоралари кўрилаётгани, муомалага чиқарилган пластик карточкалар ва жойларда ўрнатилган терминаллар ҳақида маълумот берилди.

ПОЧТА ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда почта алоқаси миллий оператори – "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий йўналишлари масалалари муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти бош директори Ш.Отамуҳаммедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар хусусида аҳолини тезкор хабардор қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

1994 йилда мамлакатимиз Бутунжаҳон почта иттифоқининг тўлақонли аъзосига айланган. Бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатининг почта маъмуриятлари билан тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилган.

Айни пайтда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти таркибида учта ихтисослаштирилган филиал – "Халқаро почтамт", "Ўзбекистон маркаси" ва "Халқаро тезкор почта", Пул ўтказмалари назорати маркази, 14 минтақавий филиал, 178 туман ва шаҳар тармоқлари, уч мингга яқин алоқа бўлимлари фаолият юритмоқда.

Бундай кенг тармоқ белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш имконини беради. Улар орасида нафақат пенсия ва нафақалар, даврий нашрлар, телеграммаларни етказиб бериш, почта маркаларини сотиш, жўнатма ва бандеролларни сақлаш ҳамда жўнатиш каби анъанавий, балки коммунал хизматлар, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари, телефон, халқаро почта алмашуви учун тўловлар қабул қилиш каби хизматлар мавжуд.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти корпоратив компьютер тармоғи базасида "Электрон пул ўтказмалари", "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими" ва "Обуна" автоматлаштирилган тизими фаолият юритмоқда.

Матбуот анжуманида "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти томонидан ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, ҳар йили 4500 га яқин ходим ўз малакасини оширмоқда.

Жорий йилда почта алоқаси объектларида 56 инфокиоск ўрнатилиши белгиланган. 2019 йил охиригача бу кўрсаткич 1800 га етади. Шунингдек, истиқболда "Мобиль қурилмалар воситасида тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими" дастурий модулини яратиш, "Интернет-обуна" тизими қамровини кенгайтириш, почта орқали кўрсатиладиган суғурта хизматлари тури ва ҳажмини ошириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежларининг 1,9 мингдан зиёд ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг филиалларининг 890 битирувчисини почта алоқаси, иқтисодиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, бухгалтерия ва менежмент каби мутахассисликлар бўйича иш билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, аниқ мақсадлар, кўзланган истиқболли режаларни амалга оширишда ҳал қилувчи куч ва таъсирга эга бўлиб бормоқда. Ишбилармонликнинг қўллаб-қувватланиши халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш омили ҳамдир.



МИЖОЗЛАРНИНГ БАНКЛАРГА ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган ислоҳотлар, банклар томонидан тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бериб келмоқда.

Маълумки, бугунги кунда тижорат банклари доимий равишда кичик бизнес субъектлари, айниқса оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари битирувчи ёшларининг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юртимизда фаолият олиб бораётган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бекобод филиали ҳам шундай банклар сирасига киради. Фаолият кўрсатишни бошлагандан буён жадал суръатларда ривожланган ҳамда ўзига хос нуфузга эга "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бекобод филиали доимий равишда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

"Вақт давомида синалган ишонч" шиори остида фаолият юритаётган мазкур муассаса доимий равишда кичик бизнес субъектларини, айниқса оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаб, битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Биргина, 2015 йилнинг 12 ойи даврида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик йўналишига банк томонидан умумий миқдорда 10.351 млн. сўм, коллеж битирувчиларига жами 245 млн. сўм, бундан ташқари хорижий валютада 1.975 минг АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

— Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминловчи корхона сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда тўғри танланган банк хоҳ ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ савдо соҳаси бўлсин, албатта бевосита уларнинг ривожланишини таъминлайди, — дейди "ZULFIYA-BONU-CHEVAR" хусусий корхонаси директори У.Мирзамуротова. — "ZULFIYA-BONU-CHEVAR" хусусий корхонасида ўқиш давридa орттирган билим ва кўникмаларини ҳаётга татбиқ қилишни ўз олдига мақсад қилган бир қатор коллеж битирувчилари меҳнат фаолиятини бошлаган. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган болалар кийимлари, кўрпа-тўшаклар ва бошқа турдаги кийим-кечакларни ишлаб чиқариш мақсадида банк кредитларидан фойдаланишни режалаштирган эдик. Ушбу режани амалга оширишда корхонамизга "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг Бекобод филиали бизга кенг имкониятлар яратиб берди. Банк томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобига корхонамиз томонидан тикув машиналари ва хом-ашёлар сотиб олинди. Бу эса маҳсулотларимиз ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ошишига ёрдам берди. Асосийси эса ишлаб чиқариш ҳажми бўйича бизнес режада кўрсатилган кўрсаткичларга эришилди. Натижада 5 та янги иш ўрни яратилиб, коллеж битирувчилари ишга қабул қилинди. Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларимиз экспорти йўлга қўйилди ва жорий йилда 100 минг АҚШ долларилик, 2017 йилда эса 500 минг АҚШ долларилик трикотаж маҳсулотларини экспорт қилишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Келажакда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ кўмагида корхонамизнинг бошқа кўплаб лойиҳаларини амалга ошириш ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирдик.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори тижорат банкларининг озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга асосан хўжалик юритувчи субъектларга 2.710 млн. сўм кредит ажратилди.

Таъкидлаш ўринлики, банклар томонидан мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни юқори савияда ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектларга 3.283 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Шунингдек, тижорат банклари ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, мижозлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, уларга хизмат кўрсатиш савиясини янада ошириш, фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этган ҳолда мижозларнинг ишбилармонлик имкониятларини ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб бораверади.

Эдем ТЕФИКОВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Болажонлар ҳаётимизга қувонч, умримизга мазмун, хонадонимизга файз ва тароват бағишлаб турадиган, борлиғимиздаги бор бойлигимиз, дил шодлигимиз ҳисобланади. Фарзандларимизнинг жарангдор шўх-шодон овозлари яшашга куч, қувват, келажакка ишонч, дақиқаларимизга ҳузур ва ҳаловат бериб туради.

СОҒЛОМ АВЛОД – СОҒЛОМ МИЛЛАТ ЭРТАСИ

Уларнинг таълим-тарбиясида ота-она, мактабгача тарбия муассасалари, ўқув масканлари, маҳалла ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги биринчи ўринда туради. Айниқса руҳий ривожланишида нуқсони бор, ақлий ёрдамга муҳтож бўлган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, эҳтиёж ва қобилиятига мос равишда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Мамлакатимизда бундай болаларга катта эътибор қаратиш, уларга тиббий-психологик, маънавий кўмак бериш, жамиятдаги интеграциялашувини таъминлаш, қизиқиш ва лаёқати бўйича билим бериш ва касб-ҳунарга йўналтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Биз пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш бўлими тасарруфидаги 431-сонли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Мазкур муассаса имконияти чекланган туғма касалликлар ва камчиликлари, ақлий ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган 3-7 ёшгача бўлган болажонларга таълим-тарбия бериш, соғломлаштириш, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масалалари билан шуғулланади ва ташхисларга қараб мактабларга йўналтиради.

100 ўринга мўлжалланган ушбу муассасада бугунги кунда 78 нафар болага таълим ва тарбия бериб келинмоқда. Таълим жараёнлари 4 йилга мўлжалланган бўлиб, шу давр мобайнида тарбияланувчилар махсус дастур асосида коррекцион таълим-тарбиявий, тиббий-консультатив, психологик-педагогик; жисмоний нуқсонларни бартараф этиш, имкон борича ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ишлари олиб борилади.

— Муассасамизнинг барча ходимлари дефектологлар, тарбиячилар, руҳшунослар, мусиқа раҳбари, жисмоний тарбия йўриқчиси, тиббий ходимлар, психоневролог, педиатр, катта ҳамшира, даволовчи, жисмоний тарбия ва уқаловчи ҳамширалар ҳамкорлигида болажонларимизнинг соғлигини тиклаш, яхшилаш мақсадида фаолият олиб борамиз, — дейди 431-ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси мудираси, халқ таълими аълочиси Дилноза Мусаева биз билан суҳбатда. — Асосий мақсадимиз болаларни фаол ҳаётга имкон борича соғлом қайтариш, бахтли болалигини тиклаб беришдан иборатдир. Зеро, болалар ҳаётимизнинг гултожи, энг беғубор ва беозор гулғунчаларимиздир.

Дарҳақиқат, яқиндагина мукаммал таъмирдан чиққан ушбу муассаса жаҳон андозаларига мос келадиган моддий-техника базаси, замонавий ускуналари, ўқув қуроллари, дастурлар, мебель ва спорт анжомлари ҳамда ўйинчоқлар билан тўлиқ таъминланган. Бугунги кун талабига жавоб берадиган юқори сифатли зарур шарт-шароитлар яратилган. Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириб бориш, таълим-тарбия жараёнидаги янги педагогик технологияларни жорий этиш мазкур муассаса ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бу изланишларнинг асосида доимо янгиликлардан хабардор бўлиш, ўқиш, ўрганиш, ўз устида тинмай изланиш ва катта ижодий меҳнат ётади. "Устоз-шогирд" анъанаси ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар, ёш кадрларга ўз билим-тажрибаларини ўргатиб келмоқдалар.

Муассаса ходимларидан Ш.Пўлатова, М.Холмуҳамедова, Д.Рустамова, М.Маҳмудова каби ўз ишининг жонкуярлари чинакам устозга айланганлар. Улар ёш тарбиячилар билан теварак-атрофни таништириш, нутқ ўстириш, оддий математик тасаввурларни шакллантириш, ўйин ўргатиш, ритмика, якка дидактик воқеабанд ролли ўйин машғулотлари, қўл меҳнати, жисмоний тарбия, қуриш-ясаш ишларини олиб борадилар.

Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг умумий нуқсонларини яхшилашда тиббий профилактика ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Медикаментоз ва номедикаментоз даволаш усуллари, болаларнинг ташхисларига қараб даволовчи жисмоний тарбия машқлари, уқалаш муолажалари, уларнинг иммунитетларини ошириш мақсадида фитобарда шифобахш ўсимлик дамламаларидан кенг фойдаланилади.

– Психик нуқсонли болага таълим-тарбия бериш қанчалик эрта бошланса, унинг самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва боланинг бутун ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади. Руҳий ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар қанчалик эрта муассасамизга келишса тўрт йил давомида олиб бориладиган коррекцион тиббий-педагогик-психологик машғулотлар натижасида уларда жисмоний, нутқий, руҳий ва ақлий ривожланишида сезиларли ва катта натижаларга эришилади, — дейди Дилноза Мусаева муассасада яратилган шарт-шароитларни оммавий ахборот воситалари ходимларига таништириш жараёнида.

Биз қаламга олаётган мўъжазгина бу маскан болажонларнинг севимли ошёнига айланган. Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасига ташрифимиз доирасида "Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида байрам тадбирларини ташкиллаштириш ва байрам эрталигини таҳлил қилиш" мавзуидаги услубий йиғилишда иштирок этишга ҳам мушарраф бўлдик.

Тадбирда эл севган актрисаларимиз Шодия Абдуқодирова ва Зуҳра Солиевалар қизиқарли чиқишлари билан тадбирнинг мазмунли ва мароқли ўтишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ҳа, болажонларимизнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларга етарлича эътибор қаратиш, мурғаккина кўнгилларини олишда бу каби таълим-тарбия масканларининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, юртимиз болаларининг келажаги учун ҳар биримиз бирдек масъулдирмиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ТИНЧЛИК УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз масъулмиз" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Р.Комилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларда кенг дунёқараш ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ёшлар мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар билан таништирилди. Сўнгги пайтларда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган воқеалар, хусусан, диний экстремистик оқимлар хатти-ҳаракатларининг мақсад-моҳияти очиб берилди.

– Мамлакатимиз ёшлари эришаётган улкан ютуқ ва марралар барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди, – дейди ЎзА муҳбирига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими Миродил Ҳайдаров. – Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик-осойишталик, инсонлар учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир. Бундай неъматларнинг қадрига етиш, тинчлигимизни янада мустаҳкамлашга ҳар биримиз масъулмиз.

МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни турли таҳдидлардан асраш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ёшлар янада кенг қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Партия қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" ёшлар форуми, "Юртим тарихини ўрганаман", "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" акциялари, "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида" номли кўрик-танловлар, учрашув ва семинарлар ўтказиб келмоқда. Бу ёшларнинг миллий ғурурини ошириб, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

– Ўтган йилда ёшларни эзгу мақсадлар сари бирлаштириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтириш, истеъдодли тенгдошларимизни рағбатлантириш мақсадида икки юзга яқин тадбир ўтказдик, – дейди партиянинг Навоий вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчи мутахассиси Отабек Мўминов. – Мамлакатимиз ёшлари ватанпарвар, билимли ва шижоатли. Ҳар бири ўзини кўрсатишга, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга интилади.

Семинарда ёшларни турли маънавий таҳдидлардан асраш, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаши учун уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, огоҳлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

БОЛАЛАР САМАРҚАНДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришга қаратилган тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан болаларнинг мамлакатимиз тарихий шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилмоқда, тарихий обидалар, замонавий иншоотлар билан таништирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган навбатдаги саёҳатда Тошкент шаҳридаги 21-, 22- ва 23-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари Самарқанд шаҳрига юборилди. Ушбу хайрли тадбир ўқувчи-ёшларнинг баҳорги таътил кунларини мазмунли ўтказишга, навқирон авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Буюк аждодларимиз меросини яқиндан ўрганиб, уларга муносиб бўлишга ундайди.

– Самарқандни ҳар гал телевизорда кўрганимизда у ерга боришни орзу қилардик, – дейди 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дилфуза Ҳидоятова. – Бу орзуимиз ушалганидан хурсандмиз. Амир Темур мақбараси, Регистон майдони каби тарихий обидаларни кўришдан бахтиёрмиз.

(ЎзА)

ГОЛИБГА АВТОАМБУЛАНС ТОПШИРИЛДИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимиз тез тиббий ёрдам тизимида ўтказилган анъанавий кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Ў.Гўзалов ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, замонавий тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва инсон саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бу борада шошилинч тиббий ёрдам тизими алоҳида ўрин тутади. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг минтақавий филиаллари, туман ва шаҳар бўлимлари, икки мингдан зиёд тез тиббий ёрдам шохобчаси ва бригадалари беморларга ўз вақтида ёрдам кўрсатмоқда.

2015 йилда тез тиббий ёрдам ва санитар-авиация хизматига тушган барча мурожаатлар ўз вақтида қаноатлантирилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур қарорга мувофиқ 2009-2015 йиллар мобайнида тез тиббий ёрдам бўлимларига тўққиз юзга яқин махсус автомобиль етказиб берилди. Тизимни махсус автотранспорт билан таъминлаш даражаси қарийб юз фоизга етди. Тез тиббий ёрдам станцияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш, янги тиббий технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Махсус ўқув курслари ташкил этилиб, тизимда ишлаётган ҳайдовчиларнинг малакаси ошириб борилмоқда.



Темур Мамадаминов олган сурат

Соҳада фаолият кўрсатаётган малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасини бойитиш, фаол ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида республика кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланган. Жорий йилги танлов ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Кўрик-танлов якуний натижаларига кўра, Наманган вилоятининг Норин тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам станцияси "Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси" номинацияси бўйича ғолиб бўлди ва бош соврин – "Дамас" автоамбуланси билан тақдирланди.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам станцияси шифокори Шуҳрат Сирожиддинов "Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори", Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали ҳайдовчиси Жўрақул Хўжаназаров "Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси", деб топилди.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА

Таълим

ЯНГИ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида "E-Maktab" янги ахборот тизими яратилди.

Бу тизим ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантиришга кўмаклашади. Мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мониторингини олиб бориш имконини беради.

Мазкур тизим – www.e-maktab.uzдан фойдаланувчилар элликдан ортиқ параметр бўйича маълумотлар қидириши, уларни қисқа муддатда олиши, мактабдан ташқари таълимга оид янгиликлардан хабардор бўлиб бориши мумкин.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ФАРЗАНДИНГИЗ КАСБ ТАНЛАШИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Сир эмаски, ўзбек этнопсихологиясига хос яхши хислатлардан бири ҳар бир ҳаракатда оиладагилар измидан бориш, улар билан маслаҳатлашиш, уларга ўхшашликка ҳаракат қилиш, оиланинг касбий сулоласини давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боисдан бўлса керак, кўпчилик ўсмир йигитлар ота, қизлар эса она касбини танлайди. Булардан унумли фойдаланиш ёшларга касб танлашда амалий ёрдам кўрсатиш учунгина ёки ўқув муассасаларида фақат қабул жараёни бошланиш арафасидагина эмас, балки ўқув йили давомида бўлиши керак. Ўқувчи ўғил-қизларга тўғри йўл кўрсатиш, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун тез-тез "Очиқ эшиклар куни", "Касблар фестивали" каби касбга йўналтириш тадбирлари ўтказиб турилиши айни мақсадга мувофиқдир.

Бунда айниқса, ўқув муассасаларида фаолият кўрсатиб келаётган ота-оналар кенгашларига ҳудуддаги маҳалла вакиллари, фаол ота-оналарнинг жалб қилиниши яхши самара беради. Шу билан бирга ўқув муассасаларида фаолият кўрсатиб келаётган ота-оналар кенгашларида ота-оналар билан доимий равишда учрашувлар, тадбирларнинг ўтказилиб турилишини таъминлаш керак.

Ота-онанинг фарзандлари келажакда қайси соҳа эгаси бўлишлари, уларнинг танламоқчи бўлган касб доирасидаги дунёқарашлари, қизиқишлари, қобилиятлари асосида касбга йўналганлик жараёнлари, аввало оилада намоён бўлади.

Шу билан бирга, ота-оналар фарзандларининг қобилиятлари, дарсдан ташқари машғулотлари асосида билим, кўникма, малакаларини шакллантириб боришларида спорт, турли тўгараклар, оила шароити омиллари муҳим саналади.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатиб келаётган ота-оналар кенгашларида ота-оналарнинг доимий иштирокини таъминлаб бориш ва оилада ҳам ота-оналарнинг фарзандларини касбга йўналтириш жараёнида фаол бўлишларига эътибор қаратиш лозим. Зеро, бу ўқувчи-ёшларнинг келажакда касб танлашларида муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Маъмура ЭРГАШЕВА,
М.Улуғбек номли транспорт касб-ҳунар коллежи иқтисодиёт фани ўқитувчиси

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда



Оқил Ғуломов олган сурат

ТАЛАБАЛАР ТАЖРИБА ОШИРДИ

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида Бурчмулла ўрмон хўжалигида экологик акция ўтказилди.

"Экосан" хайрия жамоат фонди, Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент давлат аграр университети, "Экомактаб" нодавлат нотижорат ташкилоти, "Home market" савдо белгиси, "Murad building" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экологлар, талаба-ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган Бурчмулла ўрмон хўжалиги уч юз эллик гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган. Бу ердаги бир минг саккиз юздан зиёд ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўплаб турлари "Қизил китоб"га киритилган. Ўрмоннинг флора ва фаунаси доимий муҳофазада.

Шу кунларда ўрмончилар хўжалик ҳудуди ва магистрал йўл бўйларида кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Экологик акция иштирокчилари бу борада ўрмончиларга яқиндан кўмак берди. Тошкент — Чорвоқ йўли ёқасига минг тупдан кўпроқ каштан, эман, япон софораси, қайрағоч кўчатлари ўтқазилди.

Тадбир доирасида Тошкент давлат аграр университети олимлари ва соҳа мутахассислари талабаларга юртимизда ўрмонларни кўпайтириш, асраш, ноёб турларни муҳофазалаш борасида олиб борилаётган ишлар, ўрмончиликни янада ривожлантириш борасидаги вазифалар хусусида сўзлаб берди.

– Ушбу акция биз, ёшлар учун фойдали бўлди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент давлат аграр университети ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар факультети талабаси Абдухалил Одилжонов. – Юртимизда олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш ишига ўз ҳиссамизни қўшиш баробарида, ўрмончиларнинг фаолияти билан яқиндан танишдик. Бу бизнинг билим ва кўникмаларимизни бойитди.

Ички ишлар идораларида узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийлар жойларда ташкил этилаётган турли тадбирлар, учрашувларда фаол иштирок этиб, ёш ходимларни она Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Фахрийлар — фахримиз

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Бундай учрашувларда фахрийлар тингловчи ва курсантларга ўзларининг бой тажриба ва билимларини ўргатмоқдалар.

Жумладан, яқинда Ўзбекистон ИИВ Академиясида ички ишлар идораларидан нафақага чиққан, кўп йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Фахрийлар кенгаши аъзолари иштирокида икки авлод учрашуви ташкил этилди. Тадбирни ИИВ Академияси бошлиғи ўринбосари, подполковник Т.Азимов очиб берди.

Шундан кейин мавзу юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги полковник Жамол Сулиев сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Энг аввало, хизматчи ҳалол, софдил ва халқнинг дардини тушунадиган бўлиши керак. Чунки эл ишончини қозониш, улар билан ҳамкорликда ишлаш осон иш эмас. Биз ишлаган даврларда шароит жуда оғир эди, аммо касбга бўлган садоқат, меҳр қийинчиликларни енгиб, олға қадам босишда ёрдам берган. Ҳозирги кундаги шароитлар, қулайликлардан асар ҳам йўқ эди. Қарангки, энди бу даргоҳда нимани хоҳласангиз муҳайё этилган. Демак, бундан самарали фойдаланиш, энг зўр, билимли кадр бўлиб етишишга интилиш керак. Бу таълим даргоҳида билим олишнинг ўзи бир шараф.

— Мен 1972 йил ҳарбий хизматни ўтаб келиб, Олий милиция мактабига ўқишга кирган эдим, — дейди истеъфодаги полковник Баҳром Ўлжабоев. — Ҳозир шу ерда ўша давр эсимга тушди, ёшаргандай бўлдим. Бундан 40 йил муқаддам сизларга ўхшаб битирувчи бўлганман. Кўп ўтмай бу ерда олган назарий билимларингизни амалиётда қўллашларингизга, ўз йўналишларингиз бўйича хизмат қилишингизга тўғри келади. Хизматни бошлагандан кейин сидқидилдан меҳнат қилиш даркор. Доимо касбдошингиз билан биргаликда, бир-бирларингизни қўллаб-қувватлаб, ҳурмат қилиб фаолият олиб борсангиз, албатта, мақсадингизга эришасиз. Энг муҳими, касбингизга, кийиб юрган либосингизга ҳеч қачон доғ туширманг.

Учрашувда сўзга чиққан фахрийлар юртимизнинг осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни тез ва қисқа фурсатларда очиш ҳамда хизматчи фазилатлари билан боғлиқ амалий мисоллар ва тажрибаларини тингловчиларга етказдилар.

— Мен бу учрашувдан катта таассурот олдим, — дейди ИИВ Академияси тергов йўналишининг 3-босқич тингловчиси Шаҳноза Зарипова. — Чунки, фахрийларнинг сўзларини эшитиб, ўзим танлаган касбнинг қанчалик шарафли эканлигига, йўлимдан адашмаганимга яна бир бор амин бўлдим. Келажакда бор куч-ғайратим билан Ватанимга хизмат қиламан.

Қизғин ўтган мулоқот жараёнида тингловчилар соҳага оид ўзларини қизиқтирган бир қатор саволлар бериб, ички ишлар идоралари фахрийларининг батафсил жавобларини олдилар. Тингловчилар фахрийларга қимматли маслаҳатлари учун чуқур миннатдорлик билдирдилар. Учрашув сўнгида таклиф этилган фахрийларга Академиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир давомида фахрийлар ИИВ Академиясида тингловчи ва курсантларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Даврон НУРМАТОВ

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТАМИЗ

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида "Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид" мавзусида "тенгдош-тенгдош"га шиори остида тадбир ўтказилди.

Юртимизда миллий ва диний қадриятларнинг тикланиши, замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш, ёшларнинг чет тилларини ўрганишга ва ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб вояга етишига катта эътибор берилмоқда. Бундан фойдаланиб баъзи ғаразли шахслар ўз манфаати ва мақсадлари йўлида юртимизга суқилиб киришга, экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга, ёшларни кўзлаган мақсадларидан чалғитиб, турли ғоя ва мафкураларнинг "даъватчи"ларига айлантиришга уринмоқдалар. Ўқувчиларнинг маънавий онгининг шаклланиши ва зарарли одатлардан тийилиши, айниқса дунё миқёсидаги глобал муаммоларни англаб, таҳлил қилиб, хулосаларга эга бўлиши катта аҳамиятга эга.

Тадбирда сўзга чиққанлар, мамлакатимизда мавжуд ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини кўришда таълим муассасалари ўқувчиларининг ўзлигини англаш, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиш, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келмаслигида бу каби учрашув, давра суҳбатларининг аҳамияти катталигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида мавзу юзасидан видеоролик тақдим этилди. Унда аянчли воқеалар, бегуноҳ одамлар террорчилар томонидан ўлдирилаётгани, ёшларимиз онгини заҳарлашга уринаётгани, хавфдан қандай огоҳ бўлиш кераклиги, ҳушёрлик, айниқса ёшларнинг лоқайд бўлмаслиги зарурлиги ўз аксини топганлиги намойиш этилди.

"Ёш тарғиботчилар гуруҳи" аъзолари томонидан мавзу слайдлар орқали батафсил ёритиб берилди.

Зарина РУСТАМОВА

БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида "Биз бузғунчи ғояларга қаршимиз" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Университет проректори Д.Жумабоев, партия сиёсий кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмонан соғлом, юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ҳозирги глобаллашув даври маънавий тарбияни янада бойитиш, ёшларни ғаразли ғоялар таъсиридан ҳимоялашни тақозо этмоқда. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 50 мингдан ортиқ навқирон авлод вакилларини ўз сафига жипслаштирган "Ёш адолатчилар" қаноти шу мақсадда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

– Маънавиятимиз, дунёқарашимизга салбий таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборот-психологик хуружлар, таҳдидлар сони тобора ортиб бораётгани ҳақида тушунча ва билимларимизни янада бойитдик, – дейди ЎзА мухбирига университет талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Маҳзуна Абдурасулова. – Бу ахборот технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланишимизда албатта асқотади.

Тадбирда ёшларни турли бузғунчи ғоялардан, экстремистик гуруҳларнинг алдовларидан огоҳ бўлишга, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга ундайдиган "Қиёматга қолган қарз" ҳужжатли фильми намойиш этилди. "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги – муҳим вазифамиздир" мавзуида ўтказилган ижтимоий сўровнома ёшларнинг кўтарилган мавзуга муносабати ва дахлдорлигини аниқлашда муҳим омил бўлди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Дилшод КАРИМОВ

Спорт янгиликлари

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилаётган Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасини ғалаба билан бошлади.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУСОБАҚАНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Нуфузли мусобақада ўттиздан зиёд давлатдан жами 226 боксчи совринли ўринлар билан бирга жорий йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун беллашмоқда. Қоидага кўра, ҳар бир вазн тоифасида кучли учликка кирган боксчилар йўлланмага эга бўлади.

Мусобақада қатнашиш учун Ўзбекистон эркаклар ва хотин-қизлар терма жамоалари таркибига жами тўққиз боксчи – Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Шаҳрам Ғиёсов, Элшод Расулов, Рустам Тўлаганов, Баҳодир Жалолов, Ёдгорой Мирзаева, Мафтуна Мелиева ва Нафиса Асқарова киритилган.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда тўрт боксчимиз илк жангида ғалаба қозонди.

Вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Ҳасанбой Дўсматов қирғизистонлик Турат Османовни енгган бўлса, 52 килограммгача вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари ўртасида рингга чиққан Шаҳобиддин Зоиров сингапурлик Муҳаммад Ҳанурих Ҳамидга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

69 килограммгача оғирликдаги боксчилар баҳсида Шаҳрам Ғиёсов япониялик Рюжи Сатони мағлубиятга учратган бўлса, вазни 81 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида Элшод Расулов хитойлик Гуожун Ши устидан ғалаба қозонди.

Рустам Тўлаганов ва Баҳодир Жалолов мусобақани чорак финалдан бошлайди.

Хотин-қизлар баҳсида қатнашаётган Ёдгорой Мирзаева 51 килограммгача вазн тоифасидаги боксчилар ўртасида индонезиялик Беатрикс Сугорони енгди.

Мусобақа давом этмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

КУЧЛИЛАР САФИДА

Маълумки, мамлакатимизда келажагимиз бўлмиш ёшларнинг соғлом бўлиши йўлида олиб борилаётган тизимли ишлар, улар орасида оммавий спорт турларини тарғиб қилиш юзасидан уюштирилаётган мусобақалар бугун ўз самарасини беряпти, десак муболаға бўлмайди.

Шу муносабат билан, пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган Тошкент касб-ҳунарга ўқитиш марказида спортнинг футбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда марказда фаолият олиб бораётган "Машинасозлик ишлаб чиқариш технологиялари", "Электроника ва электротехника", "Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш" ҳамда "Ахборот технологиялари ва тизимлари" бўлимларида таҳсил олаётган ўқувчилардан ташкил топган 12 та футбол жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этди.

— Мен мазкур футбол мусобақасининг бош ҳаками бўлиб иштирок этдим. Ўзим Корея халқаро агентлиги (KOICA) томонидан бириктирилган кўнгилли сифатида фаолият юритиб келмоқдаман. Мени хурсанд қилган бир жиҳат шу бўлдики, ўқувчиларим нафақат спортда, балки билим олишда ҳам ҳеч кимдан қолишмасликларини исботлай олишяпти. Келажакда ўзбек ёшлари орасидан энг замонавий технология кашфиётчилари етишиб чиқишига ишонаман, — дейди марказнинг Электроника ва электротехника бўлими ўқитувчиси жаноб Сон Ки Дэ.

Қизғин ва муросасиз тарзда кечган футбол бўйича мусобақа якунларига кўра 1-ўринни электроника ва электротехника бўлимининг "электроник-1" жамоаси қўлга киритди. Қолаверса, ушбу мусобақада "Энг яхши дарвозабон", "Энг сермаҳсул ўйинчи", "Энг аҳил жамоа" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, мусобақалар якунида таниқли санъаткорлар, сўз усталари, ёш ижрочилар, бадиий ҳаваскорлик дасталари, маданият уйлари ходимлари иштирокида соғлом турмуш тарзини тараннум этувчи театрлаштирилган тадбир бўлиб ўтди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

Миробод туманидаги 213-умумий ўрта таълим мактабида тумандаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича "Камолот" кубоги" республика турнирининг туман босқичи ўтказилди.

МОҲИР СПОРТЧИЛАРНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан ташкил этилган турнирда 5 та академик лицей ва 7 та касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ғолиблик учун маҳоратларини намоён қилишди. Миллионлар ўйини ҳисобланмиш футбол турнирида 120 нафар ўқувчи-ёшлар беллашди.

— Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бу каби мусобақаларнинг ўрни катта, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгашининг бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси Жамшид Ғафуров. – Анъанавий тарзда ўтказилаётган "Камолот" кубоги" турнири ҳам ёшларнинг футболга қизиқишини ошириш, улар ўртасида иқтидорлиларни аниқлаб, футболнинг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Натижаларга кўра Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сонли академик лицей ўқувчиларидан иборат жамоа ғалаба қозонди. 2-ўринни Миробод саноат касб-ҳунар коллежининг "Саноатчилар" жамоаси эгаллади. Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицейнинг "Амир Темур авлодлари" жамоаси 3-ўринга лойиқ топилди.

Футболга бўлган қизиқиши кучли бўлган жамоа аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 17-19 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида **1 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб вақти-вақти билан ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади.*

***1 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ